



BUXORO  
DAVLAT  
UNIVERSITETI

BUXORO

Научный вестник Бухарского государственного университета  
Scientific reports of Bukhara State University

3



<b>Қаюмова Н.М.</b>	воситаларининг қўлланиши	
<b>Fayziyeva M.Ch.</b>	Amerika va o'zbek badiiy diskursida sadoqat va xiyonat g'oyalari talqini	292
<b>Juraqulova G.M.</b>	Biographic elements in "Jane Eyre" by Charlotte Brontë	296
<b>Kadirova N.A.</b>	Complex nature of the term "motif" in literary criticism, and the analysis of one of its variations on the example of the uzbek folk tale "Mokhistara"	300
<b>Rakhmatova M.M., Fayziyeva Sh.R.</b>	Literature review on the analysis of academic integrity challenges in muslim countries	304
<b>Pulatova S.Sh.</b>	Factors leading to family happiness in the short story "A marriage of convenience" by William Somerset Maugham	310
<b>Xudoyev S.S.</b>	Nemis adabiyotshunosligida topishmoq janrining tadqiq-u tavsifi	314
<b>Zokirova N.S.</b>	Tarjimada lingvokognitiv dunyo manzarasi, lingvistik ong va lingvistik anglashning o'zaro munosabatlari	319
<b>Каримова Д.Х.</b>	Таржимада вариантлик ва инвариантлик тушунчаларининг специфик хусусиятлари	324
<b>Мамадиярова Ю.А.</b>	Бадий таржимада меъморий экфрасис матнлар тахлили	331
<b>Содиқова Д.Т.</b>	Муслихабегим Мискин шеърятининг образлар олами ва уларнинг поэтик функцияси	337
<b>Rakhmatova Sh.B.</b>	Reflection of feminism and ecofeminism in Dorris Lessing's work "The cleft"	345
<b>Азимова М.С.</b>	Садриддин Салим Бухорий ижодида ғазал жанри	349
<b>Бабаев О.А.</b>	Жалолиддин Румийнинг «Маънавийи маънавий» асарининг жаҳон адабиётида ўрганилиши	352
<b>Тўраева Л.О.</b>	Ўрим кўшиқларининг образлар таркиби ва бадий-композицион хусусиятлари	357
<b>Хамдамова С.Б.</b>	Уильям Батлер Йейтс ижодида модернистик шеъринг техникаларининг қўлланилиши	362
<b>Vahronova V.B.</b>	Badiiy adabiyotda ijtimoiy munosabatlar va madaniy hayot talqini	368
<b>Qodirova S.A.</b>	"Devonu lug'otit turk" va "Zarbulmasal" asarlarida qo'llanilgan maqollarning qiyosiy-tipologik tahlili	372
<b>Ражабов Т.А.</b>	Замонавий ўзбек шеърятда бадий кўчимларнинг лисоний-бадий тахлили	376
<b>Норова Н.Б.</b>	Усмон Кўчқор лирикасида тош ва тупроқ образларининг қўлланилиши	380
<b>Qurbonova N.R., Mustafoyeva M.A.</b>	Jahon adabiyotida sonet janri tadriji	384
<b>Sayliyeva Z.R.</b>	Ibrohim Haqqul asarlarida tasavvufga munosabat	389
<b>MATNSHUNOSLIK VA ADABIY MANBASHUNOSLIK *** TEXTOTOLOGY AND LITERARY SOURCE STUDY *** ТЕКСТОЛОГИЯ И ЛИТЕРАТУРНОЕ ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ</b>		
<b>Olimova M.S.</b>	Huvaydo she'riyatida tasavvuf ohanglari	395
<b>Baxtiyorova G.M.</b>	Ahmad Yassaviy toshbosmalarida Qur'on oyatlari talqini	400
<b>"NAVOIY GULSHANI"</b>		
<b>Sayliyeva M.R.</b>	About the artistic world of the great artist	405
<b>PEDAGOGICS</b>		
<b>Safarli N.T.</b>	Formation and development of higher education institutions in Nakhchivan during the Soviet era	408
<b>HISTORY</b>		
<b>Xaitov Sh. A., Ahmadov A.A.</b>	XX asr boshlarida Rossiya-Afg'oniston savdo-sotiq aloqalari va Afg'oniston armiyasi D.N. Logofet talqinida	415

ТАРЖИМАДА ВАРИАНТЛИЛИК ВА ИНВАРИАНТЛИЛИК ТУШУНЧАЛАРИНИНГ  
СПЕЦИФИК ХУСУСИЯТЛАРИ*Каримова Дилафрўз Халимовна,**Бухоро давлат университети**Немис филологияси кафедраси катта ўқитувчиси*[d.x.karimova@buxdu.uz](mailto:d.x.karimova@buxdu.uz)

**Аннотация.** Ушбу мақолада таржима вариантлари ва инвариантлари тушунчаларининг илмий-назарий, терминологик моҳияти, халқ эртаклари билан адабий эртаклар тилининг ўзига хослиги, уларда қўлланилган лингвокултуремаларни таржимада бериш муаммолари, талқини ва тавсифи, халқ эътиқодий қарашлари, миллийлиги билан боғлиқлиги ва уларни таржима жараёнида сақлаб қолиш имкониятлари ўрганилиб таҳлилга тортилган. Кейинги пайтларда инвариант ва вариантлик атамалари жуда кўп фанлар доирасида кенг қўлланиладиган бўлиб қолди. Бу кўпинча тилишунослик ва адабиётшуносликда кузатилади. Аслида фалсафанинг гносеология бўлими билан чамбарчас боғлиқ бўлган “моҳият” ва “ҳодиса” тушунчалари замирида пайдо бўлган инвариант ва вариантлик тушунчалари ҳар бир фаннинг спецификасидан келиб чиққан ҳолда турлича ўрганилади. У ҳақда тадқиқотларда ҳар хил фикрлар, йўналишлар вужудга келган. Бу тушунча ва ҳодисалар таржимашунослик соҳасига ҳам дахлдордир.

**Калит сўзлар:** инвариант, вариант, лингвокултурама, терминологик моҳият, лингвомаданий, специфик хусусият, парадигматик хусусият, қиёсий фольклоршунослик.

**Аннотация.** В данной статье раскрываются научно-теоретическая и терминологическая сущность понятий варианты и инварианты перевода, своеобразие языка народных сказок и литературных сказок, проблемы перевода используемых в них лингвокультурализмов, их толкование и описание, изучается и анализируется связь с религиозными воззрениями людей, национальностью, возможности их сохранения в процессе перевода. В последнее время термины инвариантность и изменчивость стали широко использоваться во многих дисциплинах. Это часто наблюдается в лингвистике и литературоведении. На самом деле понятия инвариантности и изменчивости, вытекающие из понятий «сущность» и «феномен», тесно связанных с гносеологическим разделом философии, изучаются по-разному в зависимости от специфики каждой дисциплины. Были различные мнения и тенденции в исследованиях по этому поводу. Эти понятия и явления относятся и к области переводоведения.

**Ключевые слова:** Инвариант, вариант, лингвокултурама, терминологическая сущность, лингвокультурология, специфика, парадигматическая особенность, компаративистское фольклористика.

**Abstract.** In this article, the scientific-theoretical, terminological essence of the concepts of translation options and invariants, the uniqueness of the language of folk tales and literary tales, the problems of translation, interpretation and description of the linguoculturalisms used in them, the connection with people's religious views, nationality, and the possibilities of preserving them in the process of translation are studied and analyzed. drawn. In recent times, the terms invariance and variability have become widely used in many disciplines. This is often observed in linguistics and literary studies. In fact, the concepts of invariance and variability arising from the concepts of "essence" and "phenomenon", which are closely related to the epistemology department of philosophy, are studied differently depending on the specifics of each discipline. There have been various opinions and trends in research about it. These concepts and phenomena also apply to the field of translation studies.

**Keywords:** Invariant, variant, linguokulturrema, terminological essence, linguocultural, specific feature, paradigmatic feature, comparative folklore.

**Қирриш.** Жахон адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида ҳар бир халқнинг миллий ўзлигини англашдан, маънавий қадриятларини улуғлаган оғзаки ҳамда ёзма асарларига хос хусусиятларни аниқлашга ва уларнинг дунё бўйлаб тарқалиш асосларини очиқ беришга эътибор ортмоқда. Негаки, бу дунёдаги барча инсонларнинг орзу-интилишлари, ҳис-кечинмалари азалдан яқин бўлганлигини англашга ёрдам беради. Айниқса, барча халқлар фольклорида мавжуд бўлган эртак

жанри намуналарини, уларнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш хусусиятларини, бир тилдан иккинчи тилга ўтиришда содир бўладиган адабий ҳодисаларни ўрганишга қизиқиш ҳамма долзарб бўлиб келган. Қизиғи шундаки, бунда вариантлашиш юз бериши ҳам кузатилади. Лекин ҳозиргача таржима вариантлари ҳақида яратилган тадқиқотлар кўп эмас. Ҳолбуки, таржима вариантларининг пайдо бўлиш сабабларини, ижтимоий-тарихий омилларини махсус ўрганишга тўғри келади. Бундай ўрганиш эса фольклор жанрларини бир тилдан бошқа тилга ўтирганда, уларнинг таржима муаммоларини аниқлашга ва зарур ечимларни топишга асос бўлиши билан долзарблик касб этади.

**Асосий қисм.** Мамлакатимизда истиклол йилларида қиёсий адабиётшунослик таркибида қиёсий фольклоршунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик юқори тараққиёт босқичига кўтарилиб, янги тафаккур ва миллий мафкура асосида яратилаётган тадқиқотларнинг ўрни ҳамда салмоғи ортиб бормоқда. Ана шундай изланишлар қаторида туришга даъвогар бўлиб турган ушбу тадқиқотда илк марта таржимада вариантлик ва инвариантлик муаммоси немис ижодкорлари ака-ука Гримм эртақларининг ўзбек тилига бевосита ва билвосита таржима қилинган матнлари асосида тадқиқ қилиниб, бунда таржима вариантларига хос хусусиятларни, улар орасида мукамаллини белгилаб кўрсатишга асос бўлувчи белгиларни очиш кўзда тутилди. Шунингдек, немис эртақларининг ўзбек тилига ўтирилишида қандай таржима усуллари кенг қўлланилганига ҳам эътибор қаратилди. Уларда лингвокултуремалар, миллий реалияларнинг берилиши орқали олом халқининг руҳияти, миллий-маънавий маданияти, ўзига хос менталитети қандай бадий акс эттирилгани ўрганилди. Лингвокултура ва реалияларни таржимада бериш осон кечмаслиги яна бир бор далилланди. Айниқса, халқнинг жонли тилида яратилган фольклор асарларида лингвокултуремаларнинг ўрни катта бўлиши асосланди. Немис эртақчилари ака-ука Гриммларнинг ўзбек тилига ўтган асрнинг 30-йилларидан ҳозиргача эски ва янги лотин, кирилл ёзувларида бевосита ва билвосита таржима қилиниб, турли йилларда кетма-кет чоп этилган эртақ матнлари тўплаб, илмий таҳлилга тортилган. Шу орқали немис тилидан ўзбек тили лугат таркибига кириб қолган айрим сўзлар кўрсатиб берилган.

Дунё халқлари эртақларининг вариантлашув омилларини ва кўринишларини қиёсий адабиётшунослик, фольклоршунослик, чоғиштира тилшунослик қаторида таржимашунослик нуқтаи назаридан ҳам ойдинлаштиришга қизиқиш тобора ортмоқда. Бунга таржимашуносликда эртақларни бир тилдан бошқа тилга ўтиришда прагматик, когнитив, лингвокултурологик, антропологик ёндашувнинг кучайиши, таржима стратегиялари такомиллашуви, янги методлар кашф этилиши адекватликка эришиш имконини кенгайтираётгани билан аҳамиятли бўлмоқда. Натижада таржимада бир эртақнинг бир неча таржималари пайдо бўлиб, келиб чиққан вариант турлари орасидаги умумий ва дифференциал жиҳатларни, аслият ва ўғирма ўртасидаги эквивалентлик, адекватлик параметрларини, бевосита ҳамда билвосита таржима вариантлари алоқадорлиқни аниқлаш, назарий асосларини очиш заруриятини кўрсатмоқда. Ҳозиргача немис маърифатчилик адабиётининг ғоявий-бадий такомилга катта ҳисса қўшган ака-ука Гримм эртақлари ҳам қатор хорижий тилларга, жумладан, ўзбек тилига бевосита ва билвосита таржима қилинган учун уларнинг таржима вариантлари, инвариантлари назариясини ёритиш лозимдир.

Кейинги пайтларда инвариант ва вариантлик атамалари жуда кўп фанлар доирасида кенг қўлланиладиган бўлиб қолди. Бу кўпинча тилшунослик ва адабиётшуносликда кузатилади. Аслида фалсафанинг гносеология бўлими билан чамбарчас боғлиқ бўлган “моҳият” ва “ҳодиса” тушунчалари замирида пайдо бўлган инвариант ва вариантлик тушунчалари ҳар бир фаннинг спецификасидан келиб чиққан ҳолда турлича ўрганилади. У ҳақда тадқиқотларда ҳар хил фикрлар, йўналишлар вужудга келган. Бу тушунча ва ҳодисалар таржимашунослик соҳасига ҳам дахлдордир.

“Вариант” деганда, бир матннинг бошқа бир матнни инкор этмаган ҳолда ёнма-ён яшаши тушунилади. Вариантлар бир-биридан катта фарқ қилмайди. Бу тушунча билан боғлиқ ҳолда “вариант”, “вариантдош”, “вариантлик” атамалари қўлланади.

“Вариант” сўзи лотинча “Varius” [1; 114] сўзидан олинган бўлиб, “ҳар хил”, “турлича”, “хилма-хил” деган маъноларни билдиради. “Вариант” тушунчаси таржимашуносликда қўлланганда, маълум бир асарнинг таржима жараёнида вужудга келтирилган, бир-биридан сал бўлса-да фарқ қилувчи турли таржима матн нусхаларини билдириб келади. Бундай матнлар кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшаш ва яқин бўлади.

Таржима вариант маълум бир асарнинг аниқ кўриниши бўлиб, баъзан уларда айрим сўз, ифода ёки ибора тушуриб қолдирилиши ёки мутаржим биладиган тилда ёки англаган ҳолатда ўзгартирилиши мумкин. Бир асар таржимасининг озми-кўпми фарқларга эга бўлишига қарамай, улар барибир сюжет, композиция, образ ва мотивлар тузилишидаги умумий белгиларини сақлаб қолаверади.

Таржима вариантларида бадийлик даражаси қай даражада сақланганлиги унинг ахамиятини, нуфузини белгилайди. Таржима варианты ҳам жихатдан бир хил бўлмайди. Бу таржимоннинг сўз билиш ва уни таржимада келтириш маҳорати билан боғлиқ.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир таржима варианты ўзича мустақилдир. Уларнинг бирига асосий, бошқа яна бирига иккинчи даражали ўрин бериб бўлмайди. Аммо улардан қай бири аслиятга жуда яқинлиги мутаржимнинг матнга профессионал ёндашганлиги, маълум устунликлари сифатида яққол кўринади. Таржима вариантларини бир-бирига солиштирилганда, уларга хос устуи томонлар яққол кўзга ташланади.

Таржима вариантлигини тор ва кенг маънода тушуниш мумкин. Биринчиси, тор маънода у ёки бу эртақнинг баъзи сўзлари, сатрлари, образлари, ўртасидаги фарқлар, ўзгартиришлар тушунилади.

Иккинчиси, кенг маънода бир эртақнинг ёнма-ён турувчи, аммо бир-бирини инкор этмайдиган ҳар хил таржима матнлари англашилади.

Тарихий асарларнинг таржима тарихига назар ташлайдиган бўлсак, баъзи асарларнинг бир тил ичида ёки бир неча тиллардаги таржималари учрайди. Бу ҳодиса таржимашуносликда “вариантлик” деб аталади. “Вариантлик” тушунчаси нафақат йирик бир асар таржималари, балки битта асар таркибида муайян сўз ва ибораларнинг бир неча хил тарзда берилишига ҳам дахлдордир.

Таржимашунос Ж.Шариповнинг “Ўзбекистонда таржима тарихидан” деб номланган докторлик диссертациясида ўзбек адабиётига оид бир неча асарларнинг таржима вариантлари борасида фикр юритилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Инвариант деганда, шунини айтиш мумкинки, вариантлар ўзаро қиёсланса, дастлаб уларнинг икки турини фарқлаш имкони пайдо бўлади. Биринчиси, аслият матни. У ҳақиқий, аънавий, ижодий вариант бўлиб, тили ва ифода услуби ўзи мансуб халқнинг кадрияти сифатида кўринади. Фонема ва товуш муносабати инвариант-вариант диалектикасини ўзида акс эттиради. Дарҳақиқат, умумийлик-хусусийлик, мохият-ҳодиса, имконият-воқелик диалектикасининг тилда намоён бўлишини ифодалаш учун тилшунослар кўпинча инвариант-вариант атамаларидан фойдаланадилар. Инвариантлик тушунчаси тилшуносликка фалсафадан кириб келган бўлиб, “барқарор, ўзгармас белгилар йиғиндиси” деган маънони билдиради. “Инвариант” тушунчаси тилшуносликка математика соҳасидан келган, яъни бу атама Ф. Клейн томонидан биринчи марта 1872 йилда турли хил ўзгаришлар остида ўзгаришсиз қоладиган қийматни белгилаш учун ишлатилган.

Тилшуносликда инвариант - бу тилнинг мавҳум тизимининг элементи, унинг аниқ амалга оширилишидан узоқлашиш тушунилади [1]. Фонологиянинг асосчиларидан бири Бодуэн де Куртенэ тилшуносликда инвариантлик ҳодисасига биринчи бўлиб эътиборни қаратиб, фонемани “тил товушининг ягона, доимий намоёдаси”, яъни, тил тизимининг фонетик даражасидаги инварианти деб талқин қилган. Унинг айни пайтдаги варианты ва шакли аллофон ҳисобланади.

Тил бирликларининг семантикаси ҳақида гапирганда, И.М.Кобозева маъноларнинг икки турини аниқлайди: инвариатив виртуал-маълум бир тилнинг ушбу бирликдан турли хил фойдаланиш имкониятларини қамраб оладиган ва лингвистик ҳамжамиятнинг барча аъзолари учун мавжуд бўлган кенг маъно (масалан, “олов” сўзи) ва долзарб - ишлатиш контекстида намоён бўладиган тил бирлигининг тор маъноси (“оловни ўчириш!” очик ҳавода дам олиш ҳолатида). Грамматика даражасида инвариантни Н.В. Перцов ўзининг “Рус тилининг сўз ўзгарувчанлигида инвариантлар” номли асарида тадқиқ қилади. Олим инвариант деганда “турли хил лингвистик ёки вазият шароитида намоён бўладиган тегишли бирлик ёки тегишли маънонинг турли хил талқинларини бирлаштирган умумий таркиб”, деб тушунади.

Фалсафий тушунча сифатида “инвариант” кўриниши “вариант” атамасига зид кўйилади. Бундай зидлантириш Л.Ельмелев асарларида ёрқин ифодасини топган. Унинг таъкидлашича, матннинг кўп жойларида “айни бир хил кўшма гаплар”, “айни бир хил содда гаплар”, “айни бир хил” сўзлар ва ҳоказолар учрайди. Бошқача айтганда, ҳар бир кўшма гапнинг, ҳар бир содда гапнинг, ҳар бир сўзнинг бир қанча намуналари учрайди. Ана шу бир қанча намуналар вариантлар, бу вариантлар ортидаги мохият эса инвариант саналади [9; 85]. Демак, ҳар бир инвариант бир қанча вариантлар орқали воқеланади, юзага чиқади. Инвариант назариясининг вужудга келиши гносеология учун катта ахамиятга эга бўлди. Чунки у инъикос назариясини чуқурлаштирди ва унга аниқлик киритди [9].

Инвариантлик тушунчасининг ҳамда инвариантлик тамойилларнинг атрофлича ўрганилиши катор фанлар доирасида кузатилади. Г.С.Щур таъкидлашича, бир-бирига ўхшаш гоа ва тушунчалар бир вақтнинг ўзида алоҳида-алоҳида бирлик билан номланади. Шунинг учун барча соҳа тадқиқотчиларининг изланишлари маълум босқичда алоҳида соҳа ёки фан учун хос бўлган

конунларга нисбатан умумийроқ бўлган конуниятларнинг вужудга келиши билан муҳимдир. Бундай тамойилларга муайян объектда у ёки бу хоссаларнинг бошқа хоссалар ўзгаришидан катъий назар, узоқ вақт ўз хусусиятини сақлаб қолиш тамойили бўлган инвариантлик тамойили киришини ҳам кўрсатади [11; 221].

Инвариант тушунчаси дастлаб математика доирасида ўрганилиб, кейинчалик тилшуносликка ўтган деган қарашга қарши чиқиб, Р.Якобсон бу тушунча Қозон тилшунослик мактабида математика билан бир вақтда юзага келган, деб ҳисоблайди. Таъкидлаш керакки, гарчи бу тушунча математика доирасида олдинроқ юзага келган бўлса-да, бу билан унинг моҳияти ўзгармайди.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб математикада қўлланилиб келинган бу тушунча Ф.Клейн номи билан боғланади. Маъхур физик олим А.Д.Урсу эса физик ҳодисалар замирида инвариант назариясини очиб берди. Урсунинг инвариантликнинг алоҳида турлари турлича ўзаро таъсир (ёки алоқалар) асосида мавжуд эканлигини ёритиши, инвариантлик тамойили турли хил табиатга эга бўлган ҳодисаларнинг умумий хусусиятлари воситасида бириктириш тамойили сифатида талкин этилиши инвариантликни гносеологик тамойил деб қарашига етарли асос бўлади.

Инвариантлар назариясига кўра, бевосита нисбий образлар инсон ҳиссий органлари билан қабул қилинган объектнинг акси бўлади. Объект акс этишининг ҳақиқийлиги шунда кўринадики, инвариантлар объектларнинг характеристикасидир, бу характеристикалар субъект ва ташқи ўзгаришларга боғлиқ эмас. Инвариант тушунчасини оддийроқ тарзда ифодалаш учун Гегелнинг биз олма, ўрик, гилосни тановвул қиламиз, бироқ “мевани” истеъмол қила олмаймиз, деган фикрини келтириш ўринлидир. Р.Якобсон фикрича, инвариантлик муаммоси замонавий тилшунослик ривожининг асосий тушунчаларидан саналади.

Инвариант атамаси тилшуносликда, жумладан, шундай таърифланади: “инвариант тил маъхум тизимида аниқ юзага чиқишидан ажралган тарзда бўлган элемент эмас” [9]. Инвариантлик хусусияти маълум нарсанинг шунга ўхшаш бошқа нарсада мавжуд бўлган умумий хусусиятини кўрсатади. Вариантлик эса инвариант хусусияти билан бир синфга бириктирилган предметлардан фақат биттаси учун хос бўлган хусусиятни намоён қилади [11; 271]. Вариантлар ўртасидаги ва инвариантнинг вариантлар билан муносабатини турлича тушуниш натижасида тилшуносликда инвариант – вариантлик тушунчасини турли ҳолда талкин этиш юзага келди. Инвариант ва вариант маълум синфга мансуб предмет ёки ҳодисанинг икки хусусиятидир. Инвариантлик хусусияти айни бирлик предметининг унга ўхшаш бошқа нарсалар билан умумий хусусиятларини тавсифлайди. Вариативлик, унинг инвариант хусусиятлари орқали боғланган бошқа ўзига ўхшаш предметлардан фарқи ўлароқ, фақат маълум бир нарсага эга бўлган ўзига хос хусусиятни ифодалайди.

Тил бирликларининг вариативлиги, қоида тарикасида, нутқ маданияти назариясида марказий бўлган меъёр тушунчаси билан боғлиқ. Меъёр - маълум бир вақтда ушбу тил ҳамжамиятида мавжуд бўлган ва унинг барча аъзолари учун мажбурий бўлган тил бирликлари ва улардан фойдаланиш конуниятлари, қолаверса бу бирликлар ягона бўлиши мумкин ёки адабий тил доирасида биргалликда мавжуд бўлган вариантлар кўринишида пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Айнан маълум бир тил ҳамжамиятида қабул қилинган меъёрлар тил вариативлиги чегараларини белгилайди ва ифода воситаларидан, шу жумладан таржима жараёнида фойдаланишни тартибга солади, бу эса қатор тадқиқотларда ўз тасдиғини топган.

Қисқаси, тилнинг барча соҳалари учун умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса диалектикаси амал қилади. Умумийлик, моҳият – инвариант хусусийликлар, вариантлар орқали намоён бўлади. Инвариант ва вариантлар бир қатордаги ҳодисалар эмас, балки турли қатордаги, икки босқичга мансуб ҳодисалардир. Инвариантнинг намоён бўлиш шакллари вариантлар экан, демак, инвариантлар-вариантлар умумлашмасидир. Вариантлар қаторида ҳеч бири бошқасига инвариант бўла олмайди. Меъёр ва инвариант тушунчалари бошқа-бошқа тушунчалардир [1; 88].

Энг асосий нарсани аниқлашга тўғри келади, яъни қайси асосда таржима матни асл матнга тенг деб ҳисобланиши мумкин. Масалан, “Менинг акам ўқитувчи” жумласининг немис тилидаги таржимаси – *Mein Bruder ist Lehrer*. “Mein Vater ist Lehrer” жумласи юкоридаги немисча жумланинг таржимаси бўла олмайди. Бошқача айтганда, бу унга тенг келмайди. Шубҳасиз, бир тилда ёзилган матнни бошқа тилдаги матн билан алмаштиришнинг ҳаммаси ҳам таржима ҳисобланмайди. Худди шу фикрни бошқа йўл билан ҳам ифодалаш мумкин: таржима жараёни ёки тиллараро алмашинув ўз-ўзидан эмас, балки баъзи бир аниқ қоидаларга кўра, аниқ белгиланган доирада бўлади, чегарадан чиқиб, биз таржима ҳақида гапириш ҳуқуқидан маҳрум бўламиз. Таржима деб аташ ҳуқуқига эга бўлиш учун биринчи маънода, таржима тилидаги матн асл тилдаги матнда ҳам мавжуд бўлган нарсани ўз ичига олиши керак. Бошқача қилиб айтганда, асл тилдаги матнни таржима тилидаги матн билан алмаштиришда маълум бир инвариант сақланиши керак. Ушбу инвариантнинг сақланиши

даражаси таржима матни асл матни билан тенглигини аниқлашга, ўлчашга хизмат қилади. Шунинг учун, аввало, таржима жараёнида аниқ нима инвариант бўлиб қолишини асл тилдаги матнни таржима тилидаги матнга айлантириш жараёнида аниқлаш лозим.

Ушбу муаммони ҳал қилишда қуйидагиларга асосланиш керак. Таржима жараёни бевосита белги тизимлари фани – семиотикада – белгининг икки томонлама характери деб аталадиган нарсага боғлиқ. Бу шуни англатадики, ҳар қандай белги икки томоннинг мавжудлиги билан тавсифланади ёки уларнинг бирлиги деб ҳам атайдилар ва улар: ифода ёки шакл ҳамда мазмун ёки маъно бирлигидир.

Маълумки, тил – бу ўзига хос белги тизимидир, шунинг учун тилнинг бирликлари ҳам икки ўлчовлилик, ҳам шакли, ҳам мазмуни билан ажралиб туради. Шу билан бирга, таржима учун ҳал қилувчи ролни турли тилларда ифода жиҳатидан фарқ қиладиган бирликлар, яъни шакл жиҳатдан фарқланиши, аммо мазмун жиҳатидан, яъни маъноси жиҳатидан бир-бирига мос келиши муҳим роль ўйнайди. Масалан, юқоридаги жумлаларда, немис тилидаги “Bruder” сўзи ўзбекча ака, ука сўздан ифода жиҳатидан фарқ қилади, лекин мазмун жиҳатидан у билан мос келади, яъни у бир хил маънога эга. Гапни соддалаштириш мақсадида биз таржима назарияси учун жуда муҳим бўлган қондадан узоқлашамиз, бу ҳар хил тиллар бирликларининг мазмун жиҳатидан мос келиши, қонда тарикасида, тўлиқ эмас, балки қисман эканлигини таъкидлаймиз. Масалан, немисча “Mutter” сўзи “она” деган маънога қўшимча, волида, эна, ая, нана ва бошқа сўзлар билан ифодаланган маъноларга эга.

Ўзбек тилида ака, укани биз амакиваччага нисбатан ҳам ишлатишимиз мумкин, аммо немис тилидаги “Bruder” сўзи ўзбекча амакивачча билан бир хил маънога эга бўлмай, бу сўз немисчага “Bruder” эмас, балки “Cousin” деб таржима қилинади ва бу сўз немис тилида ўғил, “Cousine” қиз бола учун ишлатилади. Бу ҳодиса, яъни турли тилларнинг бирликлари маънолари тизимларининг тўлиқ мос келмаслиги, таржима жараёнини сезиларли даражада мураккаблаштиради ҳам, уни ўзгартирмайди.

Шу асосда биз айтишимиз мумкинки, агар немисча “Bruder” сўзини ўзбекча ака-ука жуфт сўзи билан алмаштирадик, унда таржима жараёни шу ерда содир бўлади, чунки бу сўзлар ифода жиҳатидан фарқ қилади, яъни шакл жиҳатидан бир-бирига мос келадиган ёки мазмун жиҳатидан тенг бўлган сўзлардир. Аслида, кичик матн (нутқ маҳсулоти) бу жумладир, шунинг учун таржима жараёни ҳар доим камида битта жумлада (кўпинча бутун жумлалар гуруҳида) амалга оширилади ва жумлалар, қонда тарикасида, турли тилларнинг бирликлари ўртасидаги номувофикликни бартараф этади.

Юқоридаги мисолга қайтадиган бўлсак, шуни таъкидлашимиз керакки, биз таржима қилишда нафақат немис тилидаги “Bruder” сўзини ўзбекча ака, ука билан, ёки немисча “leben” сўзини ўзбекча “яшайди” сўзлари билан алмаштирмаймиз, балки бутун немисча жумлани “Mein Bruder lebt in Berlin”ни ўзбек тилига “Менинг акам Берлинда яшайди” жумласи билан ўзгартирамиз, гарчи бу асл нусхадан фарқ қилса ҳам, улар ифода нуқтан назаридан, яъни маъно жиҳатидан у билан мос келадиган немисча жумла ҳисобланади. Шу асосда энди таржиманинг қуйидаги аниқ таърифини беришимиз мумкин:

Таржима – бу асл маънони сақлаган ҳолда бир тил маҳсулотини бошқа бир тилга ўзгартiriш жараёнидир. Бироқ, аввал иккита ўта муҳим эслатмани айтиб ўтишимиз керак:

1. “Мазмун бирлиги” ёки “маъно” атамаси бу лингвистик белги бўлиб, уни кенг миқёсда барча муносабат турларини назарда тутилган ҳолда тушуниш лозим. Шуни таъкидлаш керакки, “маъно” тушунчасини фақатгина “субъектив-мантиқий” ёки “денотатив” маънолар деб атайдиган нарсага қисқартириш мумкин эмас. Шундай қилиб, таржима жараёнининг моҳиятини тўғри тушуниш, биринчи навбатда, лингвистик маънолар назариясини ёки семасиологияни батафсил ишлаб чиқишни талаб қилади.

2. “Ўзгармаган мазмун бирлигини сақлаб қолиш” ҳақида нисбий маънода гапириш мумкин, мутлақ маънода эмас. Тилларни алмаштириш билан (ҳар қандай бошқа турдаги ўзгаришлар каби), камчиликлар юзага келиши муқаррар, яъни асл матнда ифодаланган маъноларнинг тўла етказа ололмаслик ҳолатлари учрайди.

Демак, таржима матни асл матнга мутлақо тенг келолмайди; таржимоннинг вазифаси бу эквивалентликни имкон қадар тўлиқ ишлатиш, яъни камчиликларни минимал даражага етказишдир, аммо асл матнда ва таржима қилинган матнда акс эттирилган маъноларнинг “юз фоиз” мос келишини талаб қилиш мутлақо асоссиздир. Бу шуни англатадики, таржима назариясининг вазифаларидан бири маъноларни очиб бериш устуворлиги: маънолар ҳар хиллигини инобатга олиб, таржима жараёнида улардан қайси бири кучли маъно англатишини ёки қайсидир сўз “қурбон қилиниши” мумкинлигини аниқлаш керак. Шундагина таржима жараёнида семантик йўқотишлар минималлашади. Ушбу иккита муҳим шартлар билан биз таржиманинг юқорида келтирилган таърифини яроқли деб қабул қилишимиз ва таржиманинг “семантик-семиотик модели” асоси сифатида ишлатишимиз мумкин.

Кўпгина лингвистик атамалар математикадан олинган. Таржима инвариант ҳам улардан бири. Таржимашунослик доирасида инвариант тушунчаси биринчи навбатда таржиманинг инварианти билан боғлиқ, ammo тилшунослар орасида ушбу атамани аниқлаш бўйича ягона нуқтаи назар мавжуд эмас.

Инвариантнинг асл мазмуни ва унинг таржима вариантларининг умумийлиги сифатида талкин қилинадиган энг аънавий ёндашувни кўриб чиқиш мумкин. Масалан, А. Поповичнинг асарларида биз "маънонинг инвариантив ядроси" тушунчасини кўришимиз мумкин, бу орқали муаллиф таржима вариативлиги учун майдон яратадиган барқарор, доимий семантик унсурлар тўпламини тушунади, улар матннинг "инвариантив ядроси" мазмунини ўзгартирмайди. Муаллифнинг фикрига кўра, таржима инвариативлиги асл нуханинг турли хил вариантлар ўртасидаги боғлиқлик билан белгиланади. Таржима инвариант деганда, икки иборани – асл ва таржима тили матни, яъни турли хил ибораларни сўз ўйини ёки ўзгартаришлардан кейинги ҳолатидаги ўхшашлик тушунилади. Таржима инварианти сифатида биз асл ва натижали (эришилган, таржима) матнларнинг семантик тенглигини англашимиз керак. Ammo баъзи тилшунослар бу тушунчани кенгрок тушунтиришади. Уларнинг фикрича, асл ва мақсадли матнларни бирлаштирган матн реал ҳолатни акс эттира олади. Агар вазият бошқача тушунилса, бу кўп тиллилик вазиятида ҳам юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликка олиб келади ва кўпинча комик ҳазилларга асос бўлади. Масалан, мисол келтирадиган бўлсак, дўкондаги вазият:

Der Kunde: Ich brauche frische Milch.

Харидор: Менга тоза сут керак.

Der Verkäufer: Bitte, aber hier ist ein Geschäft, aber keine Farm.

Сотувчи: Марҳамат, ammo биз дўконмиз, ферма эмас.

Бу ўринда оғзаки равишда айtilган ҳар хил вазиятлар турли хил прагматик урғу билан юзага келади. Харидор ўзига ачимаган, муддати ўтмаган сут кераклигини айтаётган бўлса, сотувчи эса ҳар қандай сут соғиб олинганидан кейин, маълум бир муддат ўтгач, дўкон пештахтасидан ўрин олишини уқтирмакда. Агар сотувчининг нутқидаги ҳазилни таржимон бошқача маънода айтса (Тоза сут керак бўлса, фермага боринг) ҳазил йўқолган бўлиб, унинг жумлаларидаги маънолар кинояга айланган бўлар эди. Шунинг учун таржиманинг инварианти нафақат семантикага (маънога), балки прагматикага (коммуникатив, сўзлашув ниятига) ҳам асосланади. Одатда, таржима қилиш жараёни бир тилдаги матни бошқа тилга айлантириш деб анланади. Шунинг учун таржима қилишда ҳар доим иккита матн мавжуд бўлиши назарда тутилади. (А.И. Смирницкийнинг сўзларига кўра, битта "нутқ асарлари"), улардан бири асл, яъни иккинчи матндан мустақил равишда яратилган, иккинчи матн эса муайян тиллараро ўзгаришлар орқали биринчиси асосида яратилади. Биринчи матн – асл матн (ёки шунчаки "асл нуха"), иккинчиси – таржима матни (ёки "таржима") деб номланади.

Дастлабки матн айtilган ёки ёзилган тил – "манба тили" деб аталади. Таржима амалга ошириладиган тил (таржима матни тили) "таржима тили" деб юритилади. Кўпинча вариантлик фольклорга хослиги айtilади [8]. Лекин вариантлик таржима жараёнида ҳам юз беришини инкор қилиб бўлмайди. Чунки бир матн фақат бир киши томонидан эмас, бир неча киши томонидан таржима қилиниши мумкинлиги юқорида кўриб ўтилди. Масалан, ака-ука Гриммларнинг "Бремен мусиқачилари" ("Die Bremer Stadtmusikanten"), "Бир хумча шовла" ("Der süße Brei"), "Ботир тикувчи" ("Das tapfere Schneiderlein"), "Оппоғой ва егти гном" ("Schneewittchen und die sieben Zwerge"), "Митти одамчалар" ("Die Zwerge"), "Ялқов Хайнс" ("Der faule Heinz"), "Оқойим ва Гулойим" ("Schneeweißchen und Rosenrot"), "Асаларилар қироличаси" ("Die Bienenkönigin"), "Кулойим (Золушка)" ("Aschenputtel") каби эртақлари бир неча мутаржимлар томонидан ҳозиргача гоҳ бевосита, гоҳ билвосита немис тилидан ўзбек тилига ўтирилганлиги маълум. Ўзбек фольклоршунослигида "Алпомиш" достонининг ўзбек вариантлари тўғрисида монографик тадқиқот олиб борган Т.Мирзасев фикрича, вариантликнинг асосий специфик хусусиятини кўрсатувчи белгиларидан бири жамоавийликдир [8; 25]. Дарҳақиқат, олим таъкидлаганидек, бир асар бир неча киши томонидан таржима қилинар экан, ўз-ўзидан бир гуруҳ таржимонлар жамоаси шаклланиб қолади. Масалан, ака-ука Гримм эртақларининг Х.Рахимов таржималари ёки С.Тўрахонова вариантлари тарзида уларни номлаш мумкин.

Таржима вариантларининг юзага келиши таржимашуносликда ҳам ёзма адабиётга, ҳам фольклор асарига хосдир. Бу ўзининг субъектив ва объектив сабаблари орқали изоҳланади. Субъектив сабабнинг илдизи мутаржимнинг аслият матнига катта эътибори, қизиқиши, у ҳақдаги билими, профессионаллик даражаси, меҳнати, ижодий ёндашуви билан белгиланса, объектив сабаби давр тақозоси, ижтимоий муҳит талаби билан ойдинлашади.



Шундай қилиб, бир эртақнинг аслияти ёнида унинг бошқа бир тилдаги таржима варианты ҳам пайдо бўлади. Ю.М.Соколов фикрича, бундай вариантлик намунаси “муस्ताқил аҳамиятга эга бўлган бадиий факт” ҳисобланади. Бироқ таржима вариантларининг ҳар бирини муस्ताқил санаб, бир-биридан фарқлаш керак. Чунки таржима ҳар доим ҳам профессионал мутаржим томонидан амалга оширилавермайди. Унинг пайдо бўлишида кўнгилли мутаржим ҳам иштирок этиш мумкин.

Демак, бирор асарни профессионал мутаржим бўлмаган инсон бир тилдан бошқа тилга ўгирганда, ижодий ҳолатлар кўпроқ кўриниши мумкин. Профессионал таржимон эса матнни деярли ўзгартирмайди, ижодий ёндашмайди, у кўпроқ адекват таржимани режалаштиради. Сўз устида жиддий ишлайди. Унинг денотатив, конотатив маъноларига алоҳида эътибор қаратади, сюжетга ўзгартiriшлар киритмайди. Таржима принциплари ва методларига жиддий ёндашиб иш юритади. Таржима вариантлари юзага келишининг объектив сабабларидан яна бири тарихий шароит талаби билан изоҳланади. Негаки, бошқа фольклор намуналари қатори эртақлар ҳам маълум бир тарихий, иктисодий-ижтимоий шароитда яратилганлиги учун айрим мотивлари мавжуд тузум воқеаларига мос келади. Шу мувофиқлик унинг таржима қилинишига омил бўлади. Олимлар таъкидлашганидек, вариант, вариантдош, вариантлик, вариация терминлари ҳар доим ҳам бир хил тушунилмайди. Уларни бир-бирларидан ажратиш, маъноларини дифференция қилиш ва фарқини кўрсатиш керак бўлади.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда, вариантлик таржима жараёнларининг специфик хусусиятларидан биридир. У муайян бир асарнинг (эртақнинг ҳам) барча таржима вариантлари мажмуи ҳақида баҳс этади. Бир сўз билан айтганда, бир эртақнинг ҳар бир таржима намунаси вариантларда тарқалиши ва бир-бири билан ёнма-ён яшаб келишига “таржима варианты” дейилади.

Шундай қилиб, вариативлик - 1) нутқдаги ҳар бир даражада мавҳум тил бирлиги унинг ўзига хос вариантларидан бири сифатида намоён бўладиган тил тизимининг мавжудлиги ва ишлаш усули; 2) эволюция жараёнида тил тизимининг барча даражаларида тилнинг рақобатдош ифода воситаларини яратиш қобилияти, яъни бир хил маъноларни турли шаклларда етказиш имконияти. Таржима вариативлиги - асл нусханинг маъносини етказиш учун таржима матнларида турли шакллардан фойдаланиш. Инвариант - нутқнинг ўзига хос бирликларининг маъноларини умумлаштирувчи ва уларнинг талқини билан аниқланадиган мавҳум тил бирлиги. Таржима инварианти – матннинг функционал доминантларини ҳисобга олган ҳолда таржима ёрдамида маълум бир коммуникатив вазиятда муайян бир матн турини таржима қилиш жараёнида сақланадиган мураккаб мавҳум семантик компонент саналиб, муваффақиятли таржимани яратиш учун минимал ва етарли ҳисобланади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Ахманова О.С. *Словарь лингвистических терминов*. – 2-е изд., стер. – М: УРСС: Едиториал УРСС, 2004.
2. Ельмслев Л. *Метод структурного анализа лингвистике*. – М., 1960. – С.52.
3. Д.Х.Каримова. *Вариантность в переводе (на примере произведений братьев Гримм)*. *Вестник науки и образования*, 2019.
4. Halimovna K.D. *On the history of the creation of Grimm brothers' fairy tales and their translations into uzbek //Euro-Asia Conferences*. – 2021. – Т. 3. – №. 1. – pp. 85-87.
5. Halimovna K.D. *Variability and invariability in fairy tales (As the example of the translation of grimmsfairy tales) //International Journal of Psychosocial Rehabilitation*. – 2020. – Т. 24. – №. 1. – pp. 138-144
6. Karimova Dilafuz Halimovna. *Aka-uka Grimm ertaklari o'zbekcha tarjima variantlarining davriy statistikasi. O'zMU xabarlari*, ISSN 2181 – 7324. B.228-231.
7. KD Halimovna. *The Influence of Language and Principles of Translation on the Origin of Variation and Invariance in Translation. Web of Scholars: Multidimensional Research Journal*, 2022.
8. Мирзаев Т. *Алтомии достонининг ўзбек вариантлари*. – Тошкент: Фан, 1968. – Б.25.
9. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Qurbonova M., Boqiyeva G. *Hozirgi o'zbek adabiy tili. (Fonetika – Leksikografiya)*. – Т., 2005. В.57.
10. Солицев В.М. *Язык как системно-структурное образование*. – М., 1961. – С. 217-218.
11. Щур Г.С. *Теория поля в лингвистике*. – М., 1974. – С. 221.